



**Ғ. Х. Рахимовнинг “Инглиз тили Ўзбекистонда:  
социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар”  
монографиясига тақриз – Т.: “Тамаддун”  
нашриёти, 2017. – 268 б.**

*Бу китоб ҳам Ғ. Рахимовнинг аввалги китобларининг тадрижий ва мантиқий давомидар.*

Ушбу китоб 2017 йил ноябрида чоп этилди. Шундай китобга эҳтиёж бор эди, бунга материаллар ҳам мавжуд эди ва бу эҳтиёж заруратга айланган эди. Бундай китобни яратиш учун бир неча тилларда ёзилган тадқиқотларни ўқиб, уқиб, мағзини чақиб, муносабат билдирадиган, манба матн ва таржима матнларни ўзаро қиёслайдиган, фазилат, нуқсонларини аниқлайдиган, етилган муаммоларга эътибор қаратадиган, хулоса, умумлашмалар чиқарадиган, таклиф, тавсиялар берадиган билимдон, билингвал, етук мутахассислар керак эди. Шундай билагон мутахассислар юртимизда анчагина, улар сафи тобора кенгайиб бораётир. Шулардан бири филология фанлари номзоди, доцент Ғанишер Рахимовдир. Камина, афсуски, инглиз тилини билмайман, бу тилни биладиганларга ҳавас қиламан. Шу боис “Инглиз тили Ўзбекистонда...” китобини ич-ичига кириб, кенг таҳлилга тортиш, муфассал фикр билдиришни соҳанинг таниқли мутахассисларига, инглиззабон профессионалларга қолдириб, асарни ўқиб олган таассуротларимни қисқача баён қилмоқчиман.

“Дунё миқёсида амал қилаётган инглиз тилининг лингвистик мақоми ва вариантлашуви”, “Ўзбекистонда *English franca* тизимидан фойдаланишнинг социолингвистик тамойиллари”, “Ўзбекистон аҳолиси нутқида инглиз тилидан фойдаланишнинг прагматик кўрсаткичлари”, “Ўзбекистон таълим тизимида инглиз тили” номли тўрт қисмдан (ҳар бир қисм бир нечта бобдан) иборат салмоқли монография фикр ва ғоялар, далил ва мисоллар, рақам ва жадваллар, турфа маълумотларга, таҳлилу тадқиқ, қиёсу иқтибосларга бой. Тилнинг ҳар нарсани бевосита ифодалаш қудратига эга эмас, фақат рамз ёки белгилар тўплами деб ҳисоблашган структура оқими тарафдорлари буни гўё исботлаш учун кўп куч-қувват сарфлашганини

истехзо билан қайд этиши, “XX аср тилшунослигининг яловбардори” дея ҳисоблаб-алқаб келинган Фердинанд де Соссюрнинг тил тизимидаги барча ҳолатларни исботламоқчи бўлиб “тил тушунчаларни ифодалаш мақсадида яратилган механизм эмас” деган афсонавий ғоясини танқид қилиши, туркшунослик илмининг асосчиси Маҳмуд Кошғарий бошлаб берган ва кейинчалик “ёш грамматик”лар давом эттирган тилларнинг генеалогик таснифида қатор “бўш” ёки “ноаниқ” ўринлар, исботсиз фаразлар мавжудлиги ҳақидаги дадил, далилли фикрлари муаллифнинг журъати, билимдонлигидан далолатдир.

Энг муҳими: инглиз тилини ўрганувчилар, тадқиқотчилар, таржимага иштиёқмандлар, билим доирасини кенгайтирувчилар учун жуда зарур китоб. Китоб сўнгида жами 334 та адабиётлар рўйхати берилган, 20 таси методологик адабиётлар, қонунлар ва қонуности ҳужжатлар, 314 таси илмий адабиётлар бўлиб, шундан 94 таси ўзбек ва рус тилларида адабиётлар, диссертациялар, авторефератлар, луғатлар, 218 таси эса хорижий, асосан, инглиз тилида чоп этилган адабиётлардир. Бу – айтишга осон. Рақамлар замирида кўп йиллик бетиним меҳнат, изланишлар, топиш, ўқиш, уқиш, ўрганишлар, кўз нури, қалб қўри маҳсули турибди.

Муаллифнинг қайд этишича, билим тўплаш, ахборот тарқатишдан холи ҳеч қандай тараққиёт, маданий ривожланишни тасаввур этиб бўлмайди. Бунда она тилининг, хорижий тилларнинг аҳамияти бекиёс. Ўз қобигига ўралиб қолган миллат ривожланиши қийин кечади, фақат дунё тараққиётига ҳамнафас бўлган халқнинг мавқеи мустаҳкам, қадами илдам бўлиши мумкин. Талаб даражасидаги эҳтиёжни тўлиқ қондириш мумкин бўлган билим, ахборот халқаро мақомни олган тил воситасида эгаллангани маъқулроқ. Инглиз тили худди шундай мақомга эга тил бўлиб, 100 дан ортиқ мамлакатда турли таълим масканларида ўқитилаётган, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми бу тилдан мулоқот воситасида фойдаланар экан.

Олимнинг тилларни тизимлаштириш, тавсифлаш, бунда асосий эътибор лисоний хусусиятларга, орфографик, фонетик, лексик, грамматик ва прагматик кўрсаткичларга қаратилиши лозимлиги, стандартлаштириш, кодлаштириш муҳимлиги, бу борадаги вариантлаштириш, унинг миқдорий (квантатив), сифат (квалитатив) кўринишлари, инглиз тилининг дунё халқлари учун бир хил бўлган халқаро стандарти қабул қилинмаганлиги, бундай кўринишдаги стандартни шакллантириш долзарб вазифалардан эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовор.

Иллинойс университети профессорининг дунё инглиз тилларини ички доира, ташқи доира, кенгаётган доирада тақсимлаши, Хитой, Индонезия, Эрон, Япония, Корея, Непал, шунингдек, Ўзбекистон ҳам шу доирага

кириши ҳақидаги маълумоти кўпчилигимиз учун янгилик бўлди. Асарда А. Леонтьев, Б.Качру, Э.Шнайдер, Р.Каплан, Д. Кристал, Т.Ламсон ва бошқа ўнлаб хорижий, Қ.Хоназаров, Ш.Сафаров, А.Бушуй Д. Тешабоева, Г.Маҳкамова, А.Абдуазизов каби ўзбек тилшунос олимларининг тадқиқотларидан қизиқарли маълумотлар келтирилади, фикрларига ҳавола қилинади. Тадқиқотчи ўтказган сўровлар, келтирган жадваллар, инглиз ва бошқа тилларда мулоқот жараёнида ҳурмат категориясининг ифодаланиши, нутқдаги акцент ҳодисаси, ўзбек матбуотида, мулоқотида инглиз тили ва бошқа мавзулардаги фикр-мулоҳазалар, далил, маълумотлар тадқиқотчилар, мутахассислар, инглиз тилини ўрганувчилар учун қизиқиш, рағбат уйғотиши, шубҳасиз. Муаллиф инглиз тили ҳақида ёзар, фикр билдирар, қиёслар келтирар экан, диққат марказида доимо она тилининг имкониятлари, тақдири, тараққиёти бир неча ўринларда таъкидлаши қувонарли. Яқин ўтмишда бир тилга керагидан ортиқ эътибор берилгани боис она тилимиз унинг соясида қолиб ночор ҳолга тушгани, на у, на бу тилни яхши билмаган чаламуллалар етишганидек аччиқ тажрибани ёдимиздан чиқармаганимиз, бу ҳолнинг такрорланишига йўл қўймаганимиз маъқул.

Китобда жуда кўп хорижий терминлар келтирилган, модомики кенгаёётган доира атрофида айланаётган, лисоний мулоқотга киришаётган эканмиз, бу – табиий. Бир қатор терминларнинг ўзбекча муқобили берилган. Лекин муқобили келтирилиши, изоҳлар берилишини тақозо этадиган сўзлар бор, назаримизда. Айрим жумлаларнинг услуби оғирроқ, ўзлаштириш қийинроқ кечадигандай, фикр соддароқ, тушуниши осонроқ ифодаланганига нима етсин.

*“Инглиз тили Ўзбекистонда...” айни вақтда ёзилган, катта машаққат эвазига яратилган, жуда керакли, фойдали китоб бўлганлиги Миллий матбуот марказида ўтказилган тақдимотда мутахассислар, ўқувчилар томонидан яқдил эътироф этилди.*

**Сайди Умиров**  
филология фанлари номзоди, доцент